

КИШЛОК ХАЖЖАТИ

1990 йил 28 август

СЕШАНБА

№ 195 (4.988)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ХИРМОНДАГИСИ ҲИСОБ

Жумҳурият деҳқонлари етиштирилган ҳосилни тез ва соз
йиштириб олиш чораларини кўрмоқдалар

ТАРАДАУА

Дўстлик районидagi «Комсомол» давлат хўжалиги заршунослари эрта баҳорда 4.050 гектар майдонга барака уруғи қаданган. Чингит ерининг ўз намида ундириб олди, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Ез мобайнида айниқса Абдували Турдубеков, Умрзоқ Игилков, Маматкул Ҳайдаров, Чўтбой Намозов бошлиқ бригадаларда ҳар туп ниҳол ардоқлини, парварин оби-тобида ўтказилди. Чеканкаш қулай муҳитда, сифатли амалга оширилди. Шу кунларда ҳам гўза қатор ораларига ишлов бериш сусайгани йўқ. Суғоришда «шарбат» усули қўлланилди. Абдурахмон Калонов, Жиянбой Ҳошимовлар сингари механизаторлар эса пайкаллари култивация қилмоқдалар.

Меҳнат аҳли ҳар гектар ердан 30 центнерли хирмон уюшни аҳд этган. Янги ҳосилнинг 85 фоизи машиналарда саранжомланади. Бу тадбирга пухта тайёрлик кўрилмоқда. Пахта терини машина-механизмлари аллақачон тайёрлов чизинга келтириб қўйилган. Механизаторлар малакаси оширилди. Хирмонжойлар созланиб, йўллар тартибга келтирилмоқда. Ингим-теримда қатнашадиган одамлар учун қулай шартнон яратиш ҳақида ғамхўрлик қилинапти.

Т. СОИНАЗАРОВ

ТАМАЛ ТОШИ

Асл деҳқон кузги шудгорга алоҳида эътибор беради, яъни бўлғуси ҳосилга пухта замин яратди. Баҳмал районидagi «Сангзор» совхози галлакорлари бу йил барча пайкалларда ҳар қачондан мўл ҳосил етиштирилди. Уни йиштириб олиш эса уюшқонлик билан ўтказилди. Натигада гектар ҳисобига 16 центнер арпа, 9 центнер буғдой олди. Дон ишлаб чиқариш режаси зиёдаси билан урданди.

Айни кунларда механизаторлар экиндан бўшаган ерларни тез ва сифатли шудгорламоқдалар. Ҳозиргача 2.500 гектар майдон қўлдан чиқарилди. Бунда Асқад Абдумўминов, Тожибой Жўраев Абдулла Фахриддинов, Ражаб Алмуродов, Пардабой Қурбонов каби ўз ишнинг усталари алоҳида ибрат кўрсатиб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажаряптилар.

А. ЭРГАШЕВ

ҲАМ ДОН, ҲАМ ОЗУҚА

Езёнов районидagi «Ленинзим» колхозида бу йил 129 гектар ерда мажмуҳори ўстирилди. Ҳосил кутилганидан эиёд. Уни ўриб-йиғиб олиш жадал бор-



Боғдод районидagi «Большевик» колхозини боғбонлари бу йил 65 гектар боғдан 520 тонна мева етиштиришни режалаштиришган. Ҳозир олма ва шафтоли узини жадал борапти. Бунда боғбонларга боғча ходимлари ҳам кўмаклашмоқдалар. Улар териб олган неъматлар кичкинтойларга ҳади этилаётир.

СУРАТДА: боғча тарбиячиси Фотима Турсунова иш устида.

Т. ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ҚўШ ХўЖАЛИК ЗАФАРИ

Косон районидagi 54-давлат хўжалиги чўлуварлари эл дастурхонига 210 тонна ўрнига 212 тонна полдиз маҳсулотлари топириб, йиллик режаси ошириб бажаришди. Қўлга киритилган ютуқда Исмонил Пўлдошев бошлиқ бригада деҳқонлари айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Шу райондаги Ворошилов номли колхоз миришкорлари ҳам зафар маррасини эгаллашди. Тайёрлов идорасига 152 тонна қовун-тарвуз етказиб берилди. Бу режага нисбатан 22, ўтган йилнинг шу даврига таққосланганда эса 38 тонна кўпдир. Бунда Нормат Муқимов бошлиқ бригада азаматларининг муносиб улдуши бор.

А. МАДРАҲИМОВ

И. УСМОНОВ

С. ТУРҒУНОВ

СССР Президентининг «РСФСР Олий Совети Президиуми 1990 йил 9 августда қабул қилган қарор тўғрисида»ги фармони ҳақида

«РСФСР суверенитетининг иқтисодий асосларини қимом қилиш тўғрисида» РСФСР Олий Совети Президиуми 1990 йил 9 августда қабул қилган қарорини беқор қилиш мақсадида 1990 йил 23 августда СССР Президенти фармон чиқарганлиги муносабати билан тушутирамиз.

Норматив ҳужжатларни таҳлил этиш жумҳуриятлар ва ССР Иттифоқи ўзаро иқтисодий муносабатлари масалалари юзасидан иттифоқ шартномаси тузилгунга қадар РСФСРнинг қонун ҳужжатлари устун даражада аҳамиятга моликдир, деб ҳуқуқчи чиқариш учун асос бўла олади. Бу қўйидагилар билан тасдиқланади:

Мулкчилик тўғрисидаги РСФСР қонуни билан РСФСР ҳудудиде ер ва ерости бойликлари, бошқа табиий бойликлари ҳамда ўзга мол-мулкка эгаллик ҳуқуқини РСФСР ва мухтор жумҳуриятлар қонунилари тартибга солиши белгилаб қўйилган.

Мазкур мулк объектлари РСФСР қонуниларида (кегузида — иттифоқ шартномасида ҳам) белгилаб қўйилган шартлар ва тартибда умумиттифоқ вазифаларини амалга ошириш учун ССР Иттифоқида берилиши мумкин. Ушбу қонунда РСФСРнинг иқтисодий манфаатларига эиё бўлган барча ҳарақатлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиши таъкидланган. РСФСР давлат суверенитети тўғрисидаги декларациянинг 5-моддасига мувофиқ ССР Иттифоқининг РСФСР суверен ҳуқуқларига эиё келадиган ҳужжатларнинг амал қилишини жумҳурият ўз ҳудудиде тўхтатиб қўяди.

РСФСРнинг ана шу асос бўладиган норматив ҳужжатлари қонуний қучга кирди. Шу сабабли РСФСР Олий Совети Президиумининг РСФСР иқтисодий суверенитетини ҳимом қилиш тўғрисида 1990 йил 9 августда қабул қилган қарорини ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш учун ҳуқуқий асос йўқ, чунки у мазмунан ва маънада РСФСРнинг мазкур қонун ҳужжатларидан келиб чиқди.

Қонун ҳужжатларига асосланиб келтирилган бу далиллар қўриб чиқилаётган масалалар юзасидан иттифоқ шартномаси тузилгунга қадар РСФСР қонунилари қўлланилиши лозимлигини далиллов беради. Бошқа ҳоқимият органлари агар улар РСФСРнинг қонуниларини ва бошқа норматив ҳужжатларини ҳисобга олмасалар ҳамда РСФСР ҳоқимият органлари билан келишиб олмасалар, РСФСР ҳудудиде мулкчилик муносабатларини ўзгартиришга ҳақли эмаслар.

Бинобарин, СССР Президентининг фармони қонуний қучга эга эмас.

РСФСР Олий Совети Президиуми

МУСТАҚИЛЛИК ТўҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

ДУШАНБЕ. Янгиланган совет федерацияси таркибидagi кўп миллатли мустақил давлат сифатини Тожикистон давлат суверенитетини тўғрисида декларациянинг қабули қилиниши Тожикистон ССР Олий Советининг жумҳурият пойтахтида ўтаётган сессиясида асосий воқеа бўлди.

Жумҳурият бўламак сиёсий ва иқтисодий тузилшини ҳимомаси ҳуқуқмат ҳужжати тарафдорлари билан декларациянинг муқобил вариант тўғрисида ўқир мунозараларга сабаб бўлди. Муқобил вариант муаллифлари, хусусан, конфедерация учун давлат идоралари, Давлат хавфсизлик комитети ва Ички ишлар министрлигини сиёсатдан ҳоли этиш, миллий армия тузилшини учун ҳарақат қилишмоқда.

Вироқ аксарият депутатлар муқобил вариант киритган миллий ҳарбий бўлинмалар тузиш тўғрисидаги таклифни рад этидилар. Уларнинг фикрича, бу миллатлараро мунозараларда кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Давлат ва суд идораларини, Давлат хавфсизлик комитетини ва Ички ишлар министрлигини сиёсатдан ҳоли этиш тўғрисидаги таклифни ҳам парламентнинг кўпчилик аъзолари маъқуллашмади.

Модда-модда қабул қилинган ҳужжатда барча фуқароларга, уларнинг келиб чиқиши, иқтисодий ва мулкчилик аҳоли, яъни ва қайси миллатга мансублигиндан, сиёсий ва диний қарашларидан қатъий назар, Тожикистон ССР ва ССР Иттифоқи конституцияларида, шунингдек ҳамма тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолати берилади», деб таъкидланган.

Қабул қилинган декларация, Тожикистон ССР Олий Советининг раиси Қ. М. Маҳкамовнинг айтишича, жумҳурият янги конституциясини ишлаб чиқиш ва иттифоқ шартномасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олий Совет ўз ишнинг давом эттирмоқда. Тожикистон парламенти аъзолари яна бир қатъча муҳим масалаларни кўриб чиқишлари лозим. Душанбеда оммавий тартибсизликларга ва инсонлар қўриб бўлишига олиб келган ҳаммага маълум февраль воқеаларига сиёсий баҳо бериш, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви муносабати билан рус тилида сўзлашадиган аҳолининг жумҳуриятдан чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан парламент комиссияси амалга оширган ишлар якунларини муҳокама қилиш шулар жумласидандир.

МЕТАЛЛУРГАР НАСАБА УЮШМАСИНИНГ СЪЕЗДИ

Олмалиқда Ўзбекистон металлургия саноати меҳнаткашлари насаба уюшмасининг съезди ўз ишнинг тугаллади. Делегатлар жумҳурият металлургиянинг ҳозирги босқичдаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Жумҳурият ва мамлакат насаба уюшмалари федерациясини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Съезде тармоқ насаба уюшмасининг уставини ва ҳар

ЎРИМ ҚИЗҒИН



Гулистон районидagi «Қизил тон» жамоа хўжалиги чоравдорлари қишлоғига пухта тайёрлик кўришапти. Мўл озуқа жамғариш учун барча имконият-

лар ишга солиноқда. Ўзаро мусобақадда Худойберди Ўтамов бошчилик қилаётган маккажўхорилик бригадаси

пешқадам. Уларнинг ияти — жорий йилда ҳар гектар ердан камиде 50 центнердан маккажўхори дони йиғиштириб олиш.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўрим-йиғим пайти. 2. Илгор бригада бошлиғи Х. Ўтамов.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.



УНУТИЛМАС ОНЛАР

«Гулистон» тоамхонасининг атрофи байрамона безатилган. Ҳаёлик ва турман тилларида дўстликка бағишланган ширлар остига, Атроф саранжом-сарашта.

Қардош Туркманiston жумҳуриятининг «Толдмаржон» давлат наслчилик ва қорақўлчилик заводидан бир гуруҳ чорвадорлар Ҳўжам-ғоз район партия комитетининг котиби Жумагелди Шарипов билан турман районининг «Нишон» давлат наслчилик заводига қарнай ва сурнай садолари остида кириб келишди. Икки жумҳурият вакиллари эски қадр-донлардек учрашди. Ҳўбек ва туркманча кўй қўшиқлар жозибали шўх рақсга уланди.

Ҳўжалик маркази ҳам гавжум. Меҳмонларни туркманча қўшиқлар садолари остида нон ва туз билан кўтиб олишди. Бу ерда дўстликка бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Нишон» давлат наслчилик заводи директори Мадад Гелдиев, Ҳўжамғоз район «Толдмаржон» давлат наслчилик ва

қарақўлчилик заводи директори Елемес Қодирбоев, район партия комитети котиби Жумагелди Шарипов, Нишон район Совети раисининг муовини Қурбон Жумаев, «Толдмаржон» давлат наслчилик заводи ферма мудири Алмос Эсемов, Қарши магистрал канал ва нарос станцияси бошқармаси бошлиғи Рустам Очилов, «Нишон» давлат ҳўжалиги ветеранлар кенгашининг раиси Омон Жўраев ва бошқалар икки қардош-қондош халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қарор қилди.

Меҳмонлар маҳаллий музейда бўлиб, ҳўжаликнинг иш жараёни билан танишди. Илгор тажрибаларни оммалаштириш хусусида фикрлашиб олинди. «Нишона» ансамблининг хушовоз хонандаси Рустам Рўзиев яқро этган қўшиқлар ҳаммада яхши таассурот қолдирди.

П. ЭРГАШЕВ.

СУРАТДА: учрашув пайти. Муаллиф олган сурат.



ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. М. Никифоров бир неча кун мобайнида Ўзбекистонда бўлди. ССР Иттифоқи ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе топшириғига биноан у Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрини ҳодимлари билан ривожланиб бораётган федерация доирасида таъсирчан ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш воситасини муҳокама қилди.

В. М. Никифоров Тошкентда журналистлар билан суҳбатлашди. Суҳбатда у ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрини хорижий мамлакатлар билан алоқаларини ўрнатилган жумҳуриятларнинг манфаатларини тўлароқ ҳисобга олишни,

халқаро ҳамкорликда, айниқса иқтисодий ҳамкорликда иттифоддош жумҳуриятларга катта имкониятлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяётганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министриги мухтаassisларини тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

В. М. Никифоров журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, ССР Ташқи ишлар министриги иттифоддош жумҳуриятлар бўлими мудири Ю. В. Купляков қатнашди.

(ЎЗАТ).

ҚИШЛОҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

МАВСУМГА ШАЙ

Янгириқ районидagi пахта тозалаш заводига янги мавсумга тайёрларлик дарида учта янги тола тозалаш ва янги «циклон» ўрнатилди. Завод пахта қабул қилишга тахт қилиб қўйилди.

Жамоа ёни бекор ўтказмади. Барча дехлар ва тайёрлаш пунктлари ремонт қилинди. Юк ортши ва тушириш воситалари фойдаланишга тайёрлаб қўйилди. Чингит ташин учун контейнери бўлган бостирма кўрилди. Барча технологик ва электр кучи билан ишлайдиган ускуналар психицирилди.

Тельман номи ва Биричи Май номи, шунингдек завод олдидagi территорияда жойлашган тайёрлаш пунктларидagi гарамлаш майдончаларига асфальт ётқизиб бўлинди.

Завод меҳнаткашлари чингитлаш камерасининг кенгайтирилиши бу янги ремонт мавсумининг энг муҳим объектларидан бири деб ҳисоблашмоқда. Унинг майдони бир ярим баравар кенгайтирилмоқда, бу эса атроф муҳитига пахта чанги тарқатилганини кескин камайитириш имконини беради.

Ишчлар учун кераклик шарт-шароитлар яратиб беришга ҳам эътибор қаратилган. Бу йилдан бошлаб тозалаш, пресслаш ва ремонт дехлари хузурида дам олиш хоналари ташкил қилинган.

гина ҳўжаликларда ана шу нарсани баҳона қилиб, 50—70 центнердан ҳосил олинмоқда.

Илгорлар тажрибасини Қарши қўлидаги барча мажмуа ҳўжоркорлар ўрганишлари лозим.

ПАХТА УЧУН ВАЛЮТА

Хоразмдаги «Пахта» кооператив билан Англия фирмаларидан бири ташкил қилган «Хоразм» қўшма корхонаси Буюк Британияга жўлатиш учун пахта туркуминини тайёрлаб қўйди. Бу — чет элга биринчи бор пахта етказиб берилиши эмас. Ўтган йили денгиз ортига 100 тонна маҳсулот жўнатилган эди.

— Бунинг эвазига биз валюта ва чет элга ишлаб чиқарилган пахта тозалаш ускуналари олаёмиш, — дейди кооператив раиси Д. Душамов. — Биз нигизлар билан узок вақт ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Чунки бизда хом ашё борасида деярли муаммо йўқ, биз унга водларидан, шунингдек Туркманistonнинг Топсовуз вилоятидан олаёмиш.

ма барча корхоналарининг ижара усулига ўтиши кутилмоқда.

СОВХОЗ ҲИСОБИГА

Пастдарғом районидagi Ленин номи совхоз жамоаси 60 ўрнили профилактикторий куришга қарор қилди. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва яқин вақт ичда совхоз қурувчилари иш бошлашади.

Янги шифона ҳўжаликнинг энг кўракм жойларидан бирида бўйбд этилади.

ФАМЛАБ ҚУЙГАН ҚИШДАН ҚУРҚМАС

Ульянов районидagi 15-совхознинг Э. Самандаров бошлиқ бригадаси аъзолари беда экишга киришдилар. Уруғлик силос учун экилган маккажўрхоридан бўшаган ерга сепилмоқда.

Бу йил бригада ўзига бир-қилган ҳар гектар ердан 400 центнердан кўк масса олиб, катта муваффақиятга эришди. Совхоз фақат шу бригаданинг маккажўрхори майдонларидан қишга беш юз тоннадан эиэд тўйимли силос фамлаб қўйди. Демак, қиш ойларида жамоа молдари оқ қолмайди.

Самандаров бригадасининг муваффақияти Қашқадарёнинг қўриқ зонасидаги янги шариотин силос учун экилган маккажўрхоридан мўл ҳосил олиш йўлида тўсиқ бўлмаслигини ана бир бор исботлади. Ваҳоланки, қў-

НОН — ДАСТУРХОН ҚУРКИ

«Ферганалейбром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналари энди йиллар олти юз тоннагача қандоқ маҳсулотлари тайёрлайди. Бу печене, вафли ва кремли бискиит тортлари тайёрланадиган янги дехнинг фойдаланишга топширилиши билан боғлиқдир.

Бирлашма жамоаси ишлаб чиқариш қувватларини муттасил ўстириб бормоқда. Ҳозир янги нон заводи курилиш тугалланипти. Бу заводда бир кеча-кундузда 45 тоннагача нон-булка маҳсулотлари ётилади.

Вилоят марказида колхоз бозори ёнида кулча нон ётиладиган дех қуриляпти. Бу ерда кеча-кундузда уч тонна нон тайёрланади. Бу хусусий новвойлар кўтариб юборган нархларини тушириш имконини беради.

Замондан орқада қолмаётган новвойлар меҳнатини ташкил қилишнинг янги шакллари ўзлаштирилмоқдалар. Учта дех жамоаси ижара усулида ишлаб бошлаганига яқинда икки ой бўлади. Иил охирига бориб, бирлаш-

КИМОШДИ САВДО ҚУРГАЗМАСИ

28 август куни Бухорода очиладиган кимошди савдо қўрғазмасига жумҳуриятдаги етакчи наслчилик заводларидан энг яхши эотли кўйлар келтирилади. Бу ерга туркманistonлик ва тожикistonлик қорақўлчилик ҳам тақлиф қилинган. Улар ҳам обрўларини тўкишни истамайди ва ўзлари билан энг яхши эотли жониворларин олиб келишади, деб ўйлаймиш.

Қозғистонлик қорақўлчилик эса ўзлари билан кўчма ёпиқ кўра олиб келди. Бу кўра бир йўлда 800 кўйин боқишга мўлжалланган. У мажмуа кўралардан анча енглроқ ва уч баравар арзондир.

— Қўрғазма тугаши била ноқ, — дейди унинг ташкилотчиларидан бири, Бухоро вилояти чорва наслчилиги бирлашмасининг директори У. Қодиров, — кўйларини сота бошлаймиш. Ҳўжаликлар вакиллари бу ерда наслдор кўчқорлар ва совлиқларини сотиб олишлари ҳамда шу тариқа ажойиб отарларга асос солишлари мумкин.

Маслаҳатлашув давом этмоқда

Москвада СССР Олий Совети ва Министрлар Совети ички гуруҳининг Грузия ССР вакиллари билан иттифоқ шартномасини тайёрлаш масалалари юзасидан маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Грузия ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари О. В. Квилитая ва Грузия ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети хузуридаги доимий вакили Н. А. Медзариашвили учрашувда шартнома асосий моҳияти юзасидан ўз нуктан назарларини билдирдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р. Н. Нишонов, СССР Олий Совети палаталар комиссияларининг раислари Н. Н.

ҚАРС ИККИ ҚУЛДАН

Қарши авиакорхонасининг Янгирмата самолёти Ставрополь ўлкасидан қайтиб келди. Учувчилар олис сафарда яхши меҳнат қилишди; юз минг гектардан зиёд майдондаги қишлоқ ҳўжалик экинларига ишлов беришди.

Энди улар ўз «қардон» далавларига дефоланция ўқказишга тайёрланишляпти. Бу йил улар 192 минг гектар ердаги гўзаларга ишлов беришляри лозим. Ушбу оғир вазифани бажаришда эса қаршиликларга уларнинг старополлик ҳамкасблари ердан беришади.

Ассосиз миш-мишлар

Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари гўё генерал-полковник А. М. Макашов Ироққа борган ва Ироқ кўшиқларининг Қувейтни бош олиш режаларини ишлаб чиқишда қатнашган деб хабар тарқатмоқда. ТАСС мухбири бу хусусида СССР Мудофаа министриги кадрлар бош бошқармасига мурожаат қилди.

Унга бу гапларнинг асосиз миш-мишлар эканини айтишди. Привольье-Урал ҳарбий округи кўшиқлари кўмондони генерал-полковник А. М. Макашов ўз хизмат вазифасини бажаришда давом этипти, деб расман таъкидлайман. Сўнгги ойларида Альберт Михайлович Совет Иттифоқидан ташқари киммади. У РСФСР Компартияси конференцияси ва съезди ишида ҳамда КПСС XXVIII съездида иштирок этиш учун Москвага командировкага борди, холос.

(ТАСС).

ЛАТВИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

РИГА, 24 август. (ТАСС). Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида турли сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қиладиган фуқаролар тотувлиги партияси бўлишимиз керак — Латвия коммунистлари ўз олдларига шундай мақсадни қўйишмоқдалар. Улар ўзларининг биринчи гадаги вазифаларини худди ана шунда деб билмоқдалар. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг бугун бўлган пленуми ана шу вазифаларнинг таҳлилига бағишланди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛКП Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Рубикс КПСС XXVIII съездининг янгуларини, унинг қарорларидан келиб чиқадиган долзарб чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

Латвия Компартияси ҳаракат дастури ва уставининг лойиҳаларини муҳокама қилинди. Маъмур ҳужжатлар ЛКП XXV съездининг янгуларини мажлисга киритилди. Уларда ЛКПнинг мустақил сиёсий таъкилот сифатидаги жумҳурият Компартияси иттифоддош жумҳурият Компартиялари ҳамда КПСС билан ўзаро муносабатларининг умумий гоивий мақсадлар ва стратегик мақсадлар негизида куради.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари гўё генерал-полковник А. М. Макашов Ироққа борган ва Ироқ кўшиқларининг Қувейтни бош олиш режаларини ишлаб чиқишда қатнашган деб хабар тарқатмоқда. ТАСС мухбири бу хусусида СССР Мудофаа министриги кадрлар бош бошқармасига мурожаат қилди.

Унга бу гапларнинг асосиз миш-мишлар эканини айтишди. Привольье-Урал ҳарбий округи кўшиқлари кўмондони генерал-полковник А. М. Макашов ўз хизмат вазифасини бажаришда давом этипти, деб расман таъкидлайман. Сўнгги ойларида Альберт Михайлович Совет Иттифоқидан ташқари киммади. У РСФСР Компартияси конференцияси ва съезди ишида ҳамда КПСС XXVIII съездида иштирок этиш учун Москвага командировкага борди, холос.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЮГОСЛАВИЯ ЎРМОНЛАРИДА ЁНГИН

БЕЛГРАД. Югославиянинг Адриатика денгизи соҳили жанубий қисмидаги ўрмонларда шу кунларда тез-тез ёнгиинлар чиқмоқда. Дубровник яқинидаги Котор бухтаси атрофида жойлашган ва қарагайзор ўрмонлари кўзни қувнатувчи кўпгина тоғ чўққилари ҳозир олов пурнаб турган вулкандарни эслатади. Ўрмонлар ёнгиинлари алангаси ва бурқисиб кўтарилаётган тутун бир неча 10 километр масофадан ҳам кўриниб турибди.

Маҳаллий маъмурлар ва ўт ўчириш хизматлари ҳозирча ёнгиини ялғовлашга ва унинг соҳилдаги аҳоли пунктларига ҳамда курорт объектларига яқинлашишга йўл қўймадилар. Муваффақ бўлишяпти. Лекин шунга қарамай, ўрмонзорларга ўнглаб бўлмайдиган зарар етмоқда.

Соҳилининг гоҳ у, гоҳ бу қисмида ўнлаб гектардаги юз йиллик қарагайзорлар ёниб кетаяпти. Бу ўрмонларда илгари қўлаб ноёб қўшлар ва ўрмон жониворлари бор эди. Ҳаҳонга машҳур дубровник курорти теваарининг ўзидagina сўнгги уч кун ичда игна баргли дарахтлардан ўрнат 700 гектар майдондаги ўрмон куйиб куд бўлди.

Югославия матбуотининг таъкидлашича, янги ёнгиинлар чиқиши ҳаффи бор. Чунки метеорологлар яқин кунларда ҳам қуруқ, иссиқ об-ҳаво сақланиб қолишини олдидан айтишмоқда. Зеро ўрмон ёнгиинлари чиқишининг асосий сабаби ҳам ана шу.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. Пентагон Форс кўрғазмидаги танглик муносабати билан АҚШ армияси ва миллий гвардиясининг мамлакат барча районларидagi резервистлари қўшимча равишда қайриш тўғрисида буйруқ берди. ЮШИ ахборот агентлигига шу ҳақда маълумот келди.

Агентликнинг маълумот қилишича, «Сахро қалқон» операциясида резервистларнинг ана 50 та бўлимиаси ишга солинди. Бироқ Пентагон улар шахсий таркибининг аниқ сонини айтишдан бош тортди.

Шу кун 13-армия корпусининг қисмлари ана шу «Сахро қалқон» операцияси доирасида Яқин Шарқда жойлаштира бошланди.

АП ахборот агентлигининг Вашингтондан хабар беришича, «манбаларга кўра, Форс кўрғазми районида қўшиқларини олиб кириш тўғрисида АҚШ президенти Жорж Бушнинг фармойиши чиққандан буён ана шу регионда ҳозирнинг ўзида тахминан 60 минг америкалик ҳарбий хизматчи юборилди.

НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

ЛИМА. Мана бир ҳафтадирки, Перу ахлоқ тузатиш муассасаларида гаалаблар давом этмоқда. Айниқса пойтахтдаги «Настро-Настро» ва «Сан-Педро» қамоқхоналарида кескин вазият вужудга келган. Бу ердаги соҳичлар билан тўқнашувлар чоғида бир неча киши ҳалок бўлди. Ғайринисоний муносабатта ва маъмурлар қамоқдагиларни боқиб учун ажратётган маблағининг ниҳоятда камлигига қарши норозилик тартибсизликларнинг асосий сабабидир. Матбуотда хабар қилинишича, уларнинг ҳар бири бир кунда 20 минг инти (АҚШнинг 6 центига тўғри келади) тўрадиган оват билан боқилмоқда. Перу қамоқхоналаридagi очлик кўлами ҳалокатли даражага етди. Иш шу даражага бориб етмоқдаки, бир қанча ахлоқ тузатиш муассасаларида тутқунлар мунтазам равишда ит гўштини истеъмол қилишяпти.

КЎЛДАГИ ФОЖИА

НЬЮ-ЙОРК. Тайван кўлларида бирида фожиа юз берди. Сайёҳларнинг каттагина гуруҳи сайр қилиб юрганида чоғроқ кема ағдарилди, чўкиб кетди.

Ассошиэтед пресс ахборот агентлигининг Тайбейдан хабар қилишича, камида 15 киши ҳалок бўлган, 30 га яқин одам бедарак йўқолган.

Тайбейдан 230 километр жануби-ғарбдаги Нанту деган жойи полицияси вакилининг ҳикоя қилишича, фожиа оқшом пайтида, 80 кишидан кўпроқ йўловчи қуёш ботишини кўлда туриб томоша қилиш ниятида сайрга чиққанида юз берган. Сайёҳлар орасида Буюк Британия, Австралия ва Малайзия фуқаролари ҳам бўлган — уларнинг ҳаммаси «Шелл» компаниясининг Тайвань бўлими хизматчилари эди.

Полициянинг таъкидлашича, кема кўп билан 60 йўловчини олиб юришга мўлжалланган эди. Маъмурлар йўқолган йўловчиларини ҳали ҳам излашмоқда.

САМОЛЁТНИ ОЛИБ ҚОЧГАН КИШИЛАРИ БУ ЕРДА МАХСУС ҚОУНЛАРГА БИНОАН СУД ҚИЛИНГАН

ЛОНДОН. Покистон маъмурлари Аэро флотининг ТУ-154 самолётини олиб қочган 11 кишини Покистонда суд қилиш ёки совет маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келмадилар. Рейтер ахборот агентлиги маъмурларга асосланиб, ана шундай хабар тарқатди.

«Самолётни олиб қочган кишиларни бу ерда махсус қонуналарга биноан суд қилиш ёки уларни Совет Иттифоқи маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келинмади», деди Исмоилов бода Покистон ташқи ишлар министригининг вакили. Агентлик, шунингдек «Қарчи полициясидаги манбаларга кўра, Покистон ривдиясининг ҳодимлари вазидиачиларга қўшилди, жиноятчиларни сўроқ қилишда қатнашяётганлигини хабар беради.

Карочидаги маҳаллий маъмурларга таслим бўлган самолётни олиб қочувчилар Покистонда суд олдига жавоб беришдан бўлсалар, улар 25 йил қўлга жазосига ёки ўлимга ҳукм қилиниши мумкин.



ШВЕЙЦАРИЯ. Люцерда истиқомат қилувчи Фритц Хункелер 83 ёшда. Унинг 20 яшар ити бор. Кучук кесайиб, икки кўзи кўрмай, оёқлари шол бўлиб қолган. Шу боис Фритц Хункелер ўз дўстини ҳар кун сайрга олиб чиқади.

СУРАТДА: «ит сайри».

АП—ТАСС телесурати.

Одамхўр арслонлар

Ҳиндистоннинг Гужурат штатида сўнгги икки йил мобайнида одамхўр арслонларнинг ҳужумлари натижасида 16 киши ҳалок бўлган ва 140 киши жароҳатланган. Штат ўрмон ҳўжалиги вакилларининг журналистларга хабар қилишича, Гир ўрмонидagi махсус арслонлар қўриқхонаси бу ерда яшовчи ҳайвонлар учун ҳаётдан эиэд тор бўлиб қолган ва шунинг учун ҳам ёввойи жониворлар қўриқхона территориясидан тобора кўпроқ чиқиб, яқин атрофда дуч келган одамларни овлашмоқда.

Аср бошида берпо этилган 1,4 мннг квадрат километрли қўриқхона. Оснб арслонлари яшайдиган сўнгги жойдир. Уларни овлаш қатъий таъқиқлаб қўйилган ва ўшандан бун Гир ўрмонидagi ёввойи ҳайвонлар миқдори 20 таядан 280 тага етди.

Кейинги йилларда Гужуратда бўлган қурғоқчиликлар оғдатда арслонлар оё қилдилик ҳайвонлар сонининг калайиб кетишига олиб келди. Энди ўзига емиш қидариб юрган арслонларни Гир ўрмонидан йўналиб километр нарида ҳам учиратиш мумкин. Бу эса уларнинг йўлида дуч келиб қолувчи маҳаллий аҳоли учун кўпгина фожияли тўғамоқда.

Важийи ҳайвонларнинг «хулқидан ташвишга тушган штат маъмурияти кўлга тушган жониворларни қайвонат боғларига сотишга, жуда ваҳшийларига эиэд тўғридан-тўғри отиб ташлашга рўқсат бериш тўғрисида йўлаб қолди.

«Қўриқхона тевааригида вужудга келаятган маъхаллий аҳолининг Гир ўрмонини истиқоматчиларига қарши жавоб ҳаракатлари қилишига олиб келиши мумкин. Бу эса қўриқхонанинг ўзини ҳам ноубуд қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас», — деб ҳисоблайди зоолог олим Р. Челаи. Дехқонлар арслонларини ҳам ўз далавларидagi майда кемирувчиларни захарлаб ўлдирганлари каби қириб ташлашлари мумкин.

(ТАСС).

Гриценко ва В. Г. Кучеренко, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Х. Дугужиев Грузия элчилик бонига иттифоддош жумҳуриятлар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар ва маслаҳатлашувлар тўғрисида ҳамда шулардан келиб чиқувчи ҳудосалар тўғрисида хабардор қилди.

Томонлар умуман иттифоқини ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли асосда янгиллаш эҳтимлиги хусусида фикр билдириш, маслаҳатлашувларини давом эттириш тўғрисида келишиб олдидар.

Вильнюс. Литва жумҳурияти Олий Совети билан РСФСР Олий Совети делегациялари бир қанча шартномалар ва битимлар тузиш учун асос бўладиган умумий сиёсий ҳужжатини тайёрлаш керак, деган фикрга келидилар. Бу Литва пойтахтида Латвия билан Россия ўртасидаги ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларини янада ривожлантириш қондалари ва истиқболлари тўғрисида маслаҳатлашувнинг натижаси бўлди.

Делегация бошлиқлари — Литва жумҳурияти Олий Совети раисининг ўринбосари Ч. Станквичюс билан Россия Федерацияси парламенти жумҳуриятлараро муносабатлар, регионал сийбат ва ҳамкорлик комитетининг раиси А. Гранберг амалий учрашув натижалари тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолладилар. Баёнотда айтилишича, фуқароларнинг ҳуқуқлари масалалари муҳокама қилинган ва бу соҳада томонлар ҳамийҳатликка эришдилар. Литва билан Россия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва маданий алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда янада ривожлантиришга доир ўзаро ниятлар таъкидланди.

Литва ва Россия парламентларининг вакиллари икки томонлама маслаҳатлашуви давом эттиришга келишиб олдидар. Навбатдаги учрашув Москвада ўтди.

РСФСР парламенти аъзолари гуруҳи худди шу тарафда маслаҳатлашуви учун Таллинга жўнаб кетди.

Дам олиш масканларига

ҲАҚИҚИЙ ОРОМГОҲ БЎЛСИН

Саноқли дақиқалар ичида чиройли ва осмонлар иморатлар билан қопланган шаҳар, жазиралар иссинда одамлар маза қилиб чўмилишаётган «Роҳат» кўли ортда қолди...

олувчилар билан гажвум. Шахмат, шашка ва бошқа турдаги ўйин ишқибозлари мусобақаларда қатнашадилар, голибол эса махсус совринлар билан тақдирланадилар.

бирга 60 сўмдан ҳақ тўлайди, қолган 91 сўми эса Тошкент вилояти йўловчиларни ташвиш қилмайди беради.

Санаторий ичидангина эмас, балки ундан ташқарида ҳам иқлим ўзгача. Чунки бу ерда бирин-бир саннат корхонаси ёки пахта даласини учратмайсан.

22 кишидан иборат тиббий ходимлар гуруҳига юқори тоифадаги шифокор, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш аълочиси, 32 йилдан бери тўхтовсиз меҳнат қилиб келаётган Людмила Михайловна Рожкова етакчилик қилади.

Хавонинг яхши бўлиши учун ҳайдовчилар машина ойнасини ёки вентиляция тўнгуни очиб қўядилар. Шамол тезлигининг ошиши уларнинг вужудига ёмон таъсир кўрсатади, танаси совиб шамоллаш ёки бронхит, неврит, радикулит каби касалликларга дучор бўлишлари мумкин.

1987 йилда даволаш мусасадаси сифатида ташкил этилган ва мана ушундан буён ишлаб турган бу «саломатлик комбинати» фақат пойтахт вилояти эмас, балки бутун жумҳурият автотранспорт ташкилотлари ишчиларига хизмат кўрсатади.

Мақтабача 830 киши даволашга эса 50 ўрин ажратилган. Улар тўла муолажа олмайдилар. Қишки ва ёзи таътил даврида 25 ўзгача бепул даволади. Бир квартал давоида болалар санаторий - профилакторийнинг тиббий ходимлари назорати остида бўлидилар.

Бизнинг профилакторий эмас, — деди бош врач, — чинамас санаторий керак. Унда даволаш пухта йўлга қўйилган бўлиши, асабини муостақамлаш хоналари, видеосалон, дискотека, кўнгли очар ўйинлар уюштирилиши лозим.

«Фотон» бирлашмасининг ҳаётини бирда ўқув участкаси жиҳозланди. Бу ерда Тошкентдаги 39-хунартехника билан юрти талабалари ишчи касбларини ўрганишмоқда. Билми юртининг база корхонаси ўз ота-иядагилар учун қўрилмади, ас-

қашқадарё вилоятидаги Касби қишлоғида Султон Мирҳайдарнинг ёдгорлик ансамбли таъмирлаш ишлари бошланди. Таъмирчилар жамоасига шахрисабзлик танилиб уста Ваҳодир Қурбон бошчилик қилмоқда. Нодир тарихий ёдгорлик вайрон бўлай деб қолганди. Қим-нингдир шаққона қарор билан бу ер минерал ўғитлар омборига айлантирилган. Ичимлик сув тўланадиган ишоот бўлиши сардоба ер билан текислаб юборилган. Хуллас ансамблининг дастлабки қиёфасини тиклаш учун анчагина тер тўкишга тўғри келади.



Эзинг сўнгги ҳафтаси бошланди. Қашшоқлар оромгоҳларида хайрлашув гулханлари ёқилмоқда. Мектаб бозорларида савдо-сотқи кизми. Бутун жумҳуриятда янги ўқув йилга тайёргарлик кўриляпти.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ШИНГИЛ ТАБАССУМ

— Нима учун ўн олтига тўлган болаларни бу кинога қўйдимиз? — Ҳозир ошкоралик. Улардан ҳеч нарсани яширмайсизми керак. — Янги дўстга ҳасрат қилди: — Уйимиздагилар ота-боболаримиздан қолган удумин бил-шимас экан. — Наҳотки! — Рост. Бир неча кундан бери ушунки қарилатиб ётиб кираман, уйлантиришни ҳав-ларига ҳам келтирмаяпти!

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Токида япониялик монгол-шунос Харуо Хасуми билан университетда она тилдан дарс берувчи монғолиялик олим Чой Луасанжам ЭХМда ишлаш учун монгол тилида ишловчи бўлган программа тузишга киришдилар.

Касаба уюшмалари «Худум-мур» («Меҳнат») газетасининг хабар қилишича, бу иш келаси йилдаёқ туғилган. Токио университетининг профессори Хасуми 30 йилдан кўпроқ вақтдан бундан тўлиқ тилини ва аъённавий монгол ёзувини — устун тарзда ёзилган қадимий битикларини ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Японияликлар шу йилнинг дастлабки етти ойида чет элдан 2,5 миллиард долларлик савно асарларини олиб келди. Бу ўттиз йилдан бери Японияда ишловчи бўлган монғол тилида ишловчи бўлган программа тузишга киришди.

Чунонки, суратлар ва ҳайкалар амидори амалда қўйилмапти, лекин уларнинг сифати кескин ахшилади. Фақат шу йилнинг ўзиде Япония оролларида ранг тасвир санъатининг жаҳонга танилиб ва энг қимматли асарлар олиб келинди. Оғуст Ренуарнинг «Мулден де Галет», Винсент Ван Гогнинг «Доктор Гашеининг портрети» каби асарларини мулкдорлар олиб келиди.

Агар китобда бирор сўз сал нотўғри ёзилган бўлса, бунинг сирни қўриқчи жойи кўндалди. Лекин Франк «Ялрус» нашриёти «Кичик ларус» эзоҳли луғатини сўнгги нашрининг 180 минг нусхасини сотувдан қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилишга фирманинг қатта бўлиши сабаб бўлган йўқ, асло. Гап шундаки, «Кичкина техник хазина» тўғрисида нашрини 203-ка-тифасидан жадалда истеъмол қилган одамни албатта ўлдирдиган қўнқоринлар ейтиш мумкин бўлганлари каторига кириб қолган.

Сотува чқарилган анги луғатини сотиб олишга улуғрган мушарриҳларнинг мактубидан ташвишга тушган нашриёт ишоти ш тўхтатишга иштирок этиб, луғатларини улар сотиб олишган китоб дўкоруларга қайтаришни сўради. Бунинг ўрнига «Ларус» жуда қисқа муддат ичида китобнинг тўзатишга «авафизис» тартибини тақлиф қилишни тўғрисида ваъда берди.

Япониялик инженерлар ишлаб чиққан «инокасула» оғир кўндалди кейин чарқоқни ёзишга ёрдам беради. Бунинг учун чқалолар парваршиланадиган барокамерга ўшашишма қопқоқли махсус столга ўшиш киёфо. Қолганини, мутахасссларнинг таъкидлашича, техника бажаради.

«Инокасула»нинг ичиде алоҳида ёқмили микроқилим ҳо-сила қилинади. Унинг ичидеги ҳавога хушбўй моддалар — сирен, ясини, шувёв ва ҳар қандай ишловчи ҳиди аралаш-тирилади. Микроқилим истаги-га кўра, бу унинг учун ёқмили бўлган хушбўй ҳидлар гулдас-таси бўлиши мумкин. Шаффоф қопқоқ остида тинчлантирувчи классик музика паст овозда ўшиштилади туради. Стол устига ўрилатилган система баданни уқалайди.

Ана шу қўлбўла «жаниета»да 5 минут өтиш, мутахассслар таъкидлашича, чарқоқни бу-туғнай тарқатиб юбориш учун етарли.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

ХУШҲАБАРЛАР

Фарғонадаги «Синопис» фирмаси горчиликлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Макур қўшма корхонани Фарғонадаги «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятининг вилоят бо-лими ҳамда «Шифокор» ко-оперативи биргаликда ташкил қилди. Бу ерда йилга 50 минг ўрамагача горчилик тайёрлаш режалаштирил-моқда. Бундай қилиниши ви-лоят аҳолисининг ушбу да-волаш воситасига бўлган та-лабни ансига қондириш им-конини беради. Корхона яқин истиқболда кооператив асо-сида ногиронлар аравачалари ишлаб чиқаришни йўлга қў-йиш ниятида.

Ойнаи жаҳонда

- 29 АВГУСТ, ЧОРШАНБА
● 9:15
11.30 «Тарихий обидаларимиз — бебаҳо бойлигимиз». Кино-программа.
12.30 «Дунё кезган либослар». «Баҳор» ансамбли ҳақида.
13.25 Такрорий фильмлар экрани. «Зудов, ишдан бўшатил-дингиз». Бадий фильм.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгилеклар.
17.40 «Чанқовни қондириб». Телефильм.
18.00 Болалар учун. «Хайр, пи-онер ёзи».
18.30 «Футбол чорраҳаларда».

ФУТБОЛ

БИРИНЧИЛИКНИНГ ҚИЗГИН ДАМЛАРИ

Мамлакат чемпионатининг ҳам олий, ҳам биринчи ли-галарида навбатдаги тур уч-рашувлари ниҳоятда етди. Киев динамочилари ва Мос-ква торпедочилари ўртасида-ги баҳс айниқса қизиқарли бўлди. Унда дарвозалар етти маротаба ишғол этилди. Би-ринчи бўлимда майдон эга-ри қўшмакор ўйин кўрсат-дилар. Улар торпедочилар тўрига жавобсиз учта тўп йўллашди. Иккинчи бўлимда эса меҳ-монлар ташаббусини қўлга олдилар. Бунинг кўндалди майдон эгалари шовиб қо-лишди. «Торпедо» футбол-чилари бундан фойдаланиб, қаторасига учта тўп кирит-дилар. Натijaда ҳисоб тен-ганди — 3:3. Динамочилар шундан кейингига ўзларини қўлга олиб, қарши ҳужумга ўтдилар. Бу уларга самара келтирди. Майдон эгалари тўртинчи ҳал қилувиши тўпни йўллаб, қимматли икки оч-ковни қўлга киритдилар. «Ди-намо» олтин медаллар учун курашни давом эттирмоқда. Олий лига пешқадами — МАСК футболчилари Одес-сада маҳаллий «Черномор-ец» билан учрашдилар. Аммо бу ерда 90 дақиқа давом этган қизгин кураш-дан сўнг дарвозалар дахлсиз қолди — 0:0. Совринли ўринларга даъ-вогарлик қилаётган «Днепр» (Днепропетровск) командаси «Аратар» (Ереван) коллекти-ви билан ўз майдонида бўл-ган ўйинни 1:1 ҳисобида ду-ларанг қилиб, қимматли очко-ни бой берди.

- 9:15
18.05 «Менга мактуб ёз». Теле-фильм.
18.20 Дилени. «Асал таъмин». «Дард» театр-студиясининг спектакли (рус тилида).
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Кероматулло Қурбонов куйлайди». Мусиқий кўрсатува.
21.50 «Панди нибгон».
22.00 «Ахбор».
22.20 «Ҳаёти дехот». Тележурнал.
23.00 «Дулисинея Тобоскава». Телевизион бадий фильм. 1-серия (рус тилида).
● МТ I
6.00 «120 минут».
8.05 «Уртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион ба-дий фильм премьераси. Иккинчи кўриниш — «Бошлик». Учинчи кўриниш — «Уртоқ Архипов».
9.15 «Сўз». Адабий-бадий про-грамма.
11.15 «Ниманики дилда бўлса...». Шоир М. Матусовский хотира-си.
12.00 «Время». Янгилеклар теле-визион хизмати.
15.45 «Мусиқий хазина». И. Брамс. Концерт.
16.25 «Излар». Ҳужжатли фильм премьераси. Бадхиз қўриқона-сининг муаммолари ҳақида («Туркманфильм»).
16.45 «Тимка ва Димка». Мульт-фильм.
16.55 Болалар соати (инглиз тили дersi билан).
18.00 «Время». Янгилеклар теле-визион хизмати.
18.30 «Усмиликлар саргузаштла-ри». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 9-серия — «Уруш ёки яраш».
19.00 «Исон ва қонуни». Ҳуқуқий видеокавал.
20.00 «Уртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион ба-дий фильм премьераси. Иккинчи кўриниш — «Бошлик».
20.30 «Время». Янгилеклар теле-визион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Глембан». Уч серияли теле-визион бадий фильм пре-мьераси. 1-серия (Югославия).
22.00 Телевизион ҳужжатли фильм.
23.00 «ТСН». Янгилеклар теле-визион хизмати.
● МТ II
8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 Е. Шварц. «Золушка». Е. Вахтангов номли Давлат акаде-мик театрининг фильм-спектак-ли.
9.55 Болалар учун фильм. «Таъ-тидаги саргузаштлар». 2-се-рия.
11.00 «Бирдан-бир имконият». Теле-визион ҳужжатли фильм пре-мьераси. Бакуева номли юрак-томир жароҳлиги инсти-тутининг иши ҳақида («ЦНФ»).
11.30 Такрорий телефильмлар се-анси. «Наъра тортаётган йрт-кича меҳрибонлик». 2-серия.
16.30 «Тримпу циркда». Мульт-фильм.
16.45 «Тўрғайлар тўйи». Телевизи-он мусиқий фильм («Экран»).
18.00 «Время». Янгилеклар теле-визион хизмати (сурдо таржи-маси билан).
18.30 Золтан Кочич Шопен куй-ларини чалади (Венгрия).
18.40 «Отрар сези» қозоқ фольк-лор-этнографик оркестрининг концерти.
19.30 Тунингиз хайри бўлсин, кичкинтойлар! «Билмасвой ру-да». Мультфильм.
19.45 «Хорографик новеллалар». СССР халқ артисти А. Лавров-ский иштирокда фильм-концерт.
20.30 «Ишчи чирок». Смирнов-Россет салони.
21.00 Футбол. Уртоқлик учрашуви, СССР—Руминия терма коман-далари. В. И. Ленин номи Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
22.50 Халқ куйлари.
23.00 Енгил атлетика. Европа чем-пионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.
ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.